

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ РИВОЖИ – ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИДИР



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-793-802>

Мирзалиев Санжар Махаматжон ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети фалсафа доктори, PhD

s.mirzaliiev@tsue.uz

Адашова Махсума Маҳмудбоевна

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети

“Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси таянч докторанти

mahsumaadashova@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада жамият маънавий тараққиётини таъминлашда маънавиятнинг ўрни ҳамда унинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган. Шунингдек, жамият маънавий тараққиётига таҳдид солаётган маънавий таҳдидлар ва уларга қарши курашишнинг ижтимоий зарурияти тўғрисида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: маънавият, тараққиёт, маънавий таҳдидлар, ижтимоий муҳит, ислохот, моддий ва маънавий ҳаёт, маънавий мерос, цивилизация.

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещается роль духовности в обеспечении духовного развития общества и ее специфические черты. Также даются сведения о духовных угрозах духовному развитию общества и социальной необходимости борьбы с ними.

Ключевые слова: духовность, развитие, духовные угрозы, социальная среда, реформа, материальная и духовная жизнь, духовное наследие, цивилизация.

ABSTRACT

This article highlights the role of spirituality in ensuring the spiritual development of society and its specific features. It also provides information on the spiritual threats to the spiritual development of society and the social necessity of combating them.

Keywords: spirituality, development, spiritual threats, social environment, reform, material and spiritual life, spiritual heritage, civilization.

КИРИШ

“Янги Ўзбекистонни барпо этиш устунларидан бири - кучли маънавиятдир!”[1; 1]

Шавкат Мирзиёев

Тараққиётнинг моҳияти ҳамда унинг жадал суръатлар билан юксалиб бориши мавжуд ижтимоий-маънавий муҳитнинг савияси ва камолот даражасига болиқдир. Қайси жамиятда маънавий тараққиёт даражаси юксак бўлса, билинки, шу муҳитда яшовчи инсонларнинг интеллектуал салоҳияти ҳам юқори бўлади. “Нега инсоният ҳар доим маънавиятга зарурият сезиб яшайди?, Маънавиятнинг шахс камолотида қандай ўрни бор?, Маънавиятсиз яшаш мумкинми? Мана шу каби саволлар олим ва уламоларнинг илм йўлида машаққат чекишига ҳамда инсоният жамиятини яхшилаш учун хизмат қилишига ундаган.”[2;992] Маънавият - одамнинг руҳий ва ақлий имкониятларини юзага чиқарувчи, инсон қалбини энг покиза туйғулар билан бойитувчи ҳамда уни эзгу мақсадлар сари етакловчи беқиёс кучдир. Маънавият инсон ва жамият маданиятининг негизи, инсон ва жамият ҳаётининг муҳим йўналишларини белгилаб берувчи бош омилдир. Маънавият инсонларнинг руҳий оламини бойитиб, мавжуд жамиятнинг маънавий қиёфасини кўрсатиб берувчи мезондир. Маънавият инсонларнинг ижтимоийлашув жараёнига туртки бериб, аниқ мақсадлар сари ҳаракатга чорловчи куч ҳисобланади. Шунинг унутмаслик лозимки, маънавиятсиз жамият инсоният оламини буткул таназзулга етаклайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Маълумки, инсон ва жамият - бир-бири билан узвий алоқада ва муайян қонун-қоидалар асосида ривожланиб боради. Инсон жамиятдан ташқарида ўзининг ҳақиқий моҳиятини йўқотади. Бироқ жамият инсонларнинг шунчаки йиғиндисидангина иборат эмас. Жамият одамлар ўртасида амал қиладиган реал муносабатларни ҳам камраб олади. Бундай муносабатлар кишиларни оила, уруғ, қабила, миллат, давлат ва ниҳоят, инсоният ҳамжамиятига бирлаштиради. Одамлар йиғиндисини хис этиш, ҳамда кузатиш мумкин. Буни иложи бор. Бироқ одамлар ўртасидаги ижтимоий-маънавий муносабатларни кўриш, кузатиш ёки аниқ хулоса бериш мураккаб ҳолат ҳисобланади, чунки улар яширин характерга эга бўлиб, жисмсиз, номоддий кўринишдадир. Жамият ҳаётида ана шундай муносабатлар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Демак, инсонлар бир-бирини инкор этиши, ўзларини ягона ҳар нарсани англаувчи, бошқалардан ақллироқ ва тўғри фикр юритувчи, жамиятдан алоҳида индивидуал шахс

сифатида мавжуд деб ўйлашлари мумкин. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам улар ижтимоийлик муносабатлари ичида қоладилар ва жамиятнинг ғоялари билан бирга яшайдилар. Ана шу жараёнда муайян бир жамиятда яшаётган кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ягона восита сифатида маънавий масаласи юзага келади. Бундай муносабатларни йўлга солувчи ягона восита маънавий экан, бу тушунчага кун сайин ортиб бораётган зарурият ва эҳтиёжнинг ошиб бораётганлиги бугунги кунда дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалар мисолида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Жамият маънавий тараққиётини таъминлаш борасида давлатимиз томонидан ҳам кўплаб ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, “Мамлакатимизни 2017 — 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.”[3;1] Бундан ташқари, “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ва унинг V боби “Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш” масалаларига бағишланган бўлиб, 71-78-мақсадлар доирасида жамият маънавий тараққиётини таъминлаш борасида амалга оширишимиз лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди. Жамиятнинг маънавий қиёфасини сифат жиҳатдан яхшилаш ҳамда аҳолининг маънавий камолот даражасини янада ошириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев 2021 йил 19 январ куни ўтказган “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш” мавзусидаги видеоселекторда шундай таъкидлаган эди:

“Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавийдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавийт”[4;1]

Дарҳақиқат, маънавий етуклик даражаси иқтисодий барқарорликка эришишнинг энг муҳим йўлларида саналади. Чунки, жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётидаги уйғунлик ҳам иқтисодий ҳам маънавий жиҳатдан фаровонликни белгилаб беришга туртки бўлади.

Маълумки, инсон, жамият аъзоси, турли гуруҳ ва жамоаларнинг вакили сифатида доимо уларнинг таъсири остида бўлади. Яъни ҳар бир шахснинг

феъл-атворида, хатти-ҳаракатларида у мансуб бўлган миллат, халқ, профессионал тоифа, жамоа ва оиланинг ижобий ёки салбий таъсири бўлади. Тарихий шарт-шароит, давр, давлат тузими ва ўша жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий таъсирлар унинг дунёқараши, фикрлаш тарзи, тафаккурида ўз аксини топади. Бундай таъсирларнинг 3 хил кўриниши мавжуд:



Микро босқичдаги таъсирлар – бу бевосита инсон боласи туғилиб ўсадиган оила, таълим ва тарбия масканлари, меҳнат жамоаси, маҳалла ва дўстлар муҳитидаги таъсирлар.

Макро босқичдаги таъсирлар – бу ижтимоий, маънавий, сиёсий ҳамда иқтисодий муҳит таъсирлари.

Мега босқичдаги таъсирлар – бу кенг миқёсда халқаро майдонда авж олиб бораётган ғаявий таъсирлар.

Микро, макро ва мега босқичдаги таъсирлар инсоннинг ижтимоийлашув жараёнига аралашиб, унинг миллий, минтақавий ҳамда халқаро майдондаги ўрнини белгилашга сабаб бўлади. Маънавий таъсирлар бевосита моддий таъсирлар билан уйғунликда ривожланиб боради. Чунки, жамиятнинг моддий ва маънавий томонларини уйғунлаштириш ижтимоий тараққиётнинг асоси ҳисобланади. Инсон маънавиятини юксалтириш орқалигина иқтисодий ривожланишга эришиш мумкин. Чунки иқтисодий неъматлардан унумли фойдаланиш ҳамда уларни оқилона сарфлаш жараёнларида шахснинг маънавий камолоти асосий туртки вазифасини ўтайди. Инсоннинг ҳақиқий моҳияти

моддий эҳтиёжларни маданий шаклларда қондирилишида яққол намоён бўлади. Инсон ақлли мавжудот сифатида моддий эҳтиёжларини маданий шаклларда қондириш учун табиат ва жамият моҳиятини билишга, табиат ва жамиятни ўз мақсадларига мос равишда ўзгартиришга ҳаракат қилади. Илм-фан ва техника инсоннинг маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондириш курали, муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Юксак маънавият туфайлигина инсон ўз эҳтиёжларини маданий шаклларда оқилона ва тўлароқ қондириш имконига эга бўлади. Ҳар қандай жамият ҳаётида маънавият, маънавий ишлаб чиқариш ҳал қилувчи рол ўйнайди. Кишилар маънавий ишлаб чиқариш жараёнида оламни, атроф-муҳитни тўлароқ биладилар, ижтимоий ҳаёт қоидаларини ўзлаштирадилар, бир-бирлари билан инсонларча муносабатда бўлишни ўрганадилар. Маънавий ишлаб чиқариш жараёнида илғор ғоя, назария ва таълимотлар яратилади. Бу эса ижтимоий-сиёсий барқарорлик, тотувликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди, Илм-фан ва техника тараққиёти жамиятнинг моддий фаровонлигини янада яхшилаш учун замин яратади. Таълим-тарбия тизими ҳам жамият маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутаяди. Ҳаётга кириб келаётган ёш авлоднинг маънавий қиёфаси, маданияти, ҳаётга ва одамларга бўлган муносабати таълим муассасаларида шаклланади. Санъат, адабиёт, маданият, илм-фан арбобларининг меҳнати жамиятнинг юксалишида алоҳида ўрин тутаяди, шу боисдан ҳам уларнинг меҳнати кадрланади. Жамиятнинг моддий ва маънавий соҳалари кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари билан узвий боғлиқ равишда вужудга келади.

НАТИЖАЛАР

Жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини бир-биридан фарқлаш ижтимоий ҳаёт моҳиятини чуқурроқ билишга имкон беради. Аслида реал ҳаётда улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечади. Илмий назария ва амалиётда жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини бир-биридан ажратиш, улардан бирини муҳимроқ, бошқасини номуҳим деб ҳисоблаш жамиятнинг табиий-тарихий ривожланишини издан чиқаради.

Жамиятнинг маънавий-интеллектуал тараққиёти учун иқтисодий замин яратиш қанчалик муҳим бўлса, моддий фаровонликни таъминлаш учун маънавий-интеллектуал салоҳиятни кучайтириш ҳам шунчалик муҳимдир. Аммо, бугунги кунда инсонлар орасида маънавий тараққиётнинг изчил ривожланишига тўсиқ бўлаётган бир қанча маънавий таҳдидлар мавжуд бўлиб, улар кун сайин инсонлар қалбида чуқур илдиз отиб бормоқда. Масалан, космополитизм ғояларининг ёшлар маънавиятига таъсирини олиб кўрсак.

Мазкур тушунча “Дунё фуқароси” деган мазмунга эга бўлиб, шахс онгида ўзининг миллий менталитети, давлат суверенитети, миллий урф-одат ва анъаналарига нисбатан ишончсизлик, миллатининг тарихи, маданияти ва истиқболга нисбатан бепарволик кайфиятини уйғотувчи ҳамда шахсни ватанпарварлик туйғуларидан воз кечишга тарғиб қилувчи маънавий таҳдид ҳисобланади. Унинг бош ғояси “Қаерда яхши шароит бўлса, ўша жой Ватан”. Космополистлар мана шу ғоя атрофида ёшларни бирлаштириб, эгоистик тушунчаларни уларнинг онгига жойлаб, буткул бефарқ ва ҳиссиз инсонга айлантиришни ўз олдларига мақсад қилиб олишган. Фалсафа тарихида Александр Македонский ва Марк Аврелий каби сиёсатшунослар бу ғояларни янги ҳудудларни қўлга киритиш ҳаракатларида кўрган бўлса, стоиклар – Зенон ва Китиона космополитизм идеалини кишиларнинг ҳаётини ягона, умумжаҳон қонунлари орқали амалга ошириш имконини берувчи ижтимоий шаклни излаш деб билган. Яна бир таҳдидлардан бири абсурдизм ғояси бўлиб, у XX аср жаҳон адабиётида ҳаётнинг айрим томонларини беъмани ва мантиқсиз эканини тасвирловчи оқим сифатида вужудга келган. Мазкур ғоя инсонга ўз ҳаётини, умрини бемани воқелик сифатида акс эттиришга ундайди. Инсон томонидан содир этилаётган барча хатти-ҳаракатларда мантиқсизлик, энг жирканч ишларни қилиб машҳурлик даражасига етишиш, моддий манфаат учун руҳий мувозанатни бузувчи саъи-ҳаракатлар қилиш каби ҳолатлар абсурдизмнинг бош ғояларидан ҳисобланади. Бугунги кунда ижтимоий тармоқларда кенг тарқалаётган ёвузлик ва агрессияни тарғиб қилувчи ўйинлар, TikTokчилар томонидан юкланаётган абсурд видеолар, Instagram, Facebook ёки Twitterдаги кўплаб ғаразли мақсадларни кўзловчи сохта ва илмий асосга эга бўлмаган маълумотлар энг катта маънавий таҳдидлар сифатида эътироф этилмоқда. Жамиятдан бегоналашув ғояси ҳам кун сайин кенгайиб бораётган таҳдидлар сафига киради. Инсоннинг ёлғизлашуви ва бегоналашуви феномени мутахассислар орасида жиддий ташвиш уйғотмоқда. Бу феномен кишиларнинг ёлғиз яшашга интилишида, оилавий ва умуман, ахлоқий қадриятларни инкор этишида ҳамда индивидуализм ва эгоцентризм туйғуларининг ривожланишида намоён бўлмоқда. Бунга мисол тариқасида йигитларнинг 30 ёшдан ўтса ҳам оила қуришга шошилмаслиги ёки қизларнинг ўз карьераси учун турмушга чиқишдан воз кечиш ҳолатлари, натижада миллат генафондининг тадрижий ривожланишига салбий таъсир этаётганликлари маънавий билимлар савиясининг пасайиб бораётганлигидан далолат беради. Олимларнинг таъкидлашича, жамиятнинг маънавий жиҳатдан таназзулга юз тутишига

қуйидаги
бўлади:

омиллар

сабаб



Шу ўринда “Жамиятнинг ҳимоя тизими мавжудми?”, деган савол туғилиши табиий. “Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, жамиятнинг ҳимоя тизими – унинг маънавияти”[5;82]дир. Чунки мустаҳкам маънавий ҳимоя тизимининг мавжуд бўлиши тажовузкор ғояларнинг парчаланиб кетишига олиб келади. “Ҳар қандай қудратли давлат ўз халқининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирган ўзак, ўқ ғоя асосида бунёд бўлади. Мазкур давлатда устувор бўлган турмуш тарзи, менталитет, маданият ушбу ғояга мос, унга мутаносиб, у билан муросада бўлади. Аксинча, ушбу ғоя ёки идеалга путур етгудек бўлса, давлат ҳам таназзулга юз тутаяди. Тарихий ҳақиқат шуни кўрсатадики, цивилизацияни ушлаб турган маънавий ва маданий устунлар нурай бошлаши билан унинг заволи топа бошлагани ҳақида ҳукм чиқарса бўлади”.[6;3] Дарҳақиқат, маънавий ва маданий устунларнинг мустаҳкамлиги миллий бирлик тушунчасининг юксалишига олиб келади, аксинча, уларнинг нураб бориши миллий тарқоқликнинг юзага келишига шароит яратиб беради. Бугунги кунда “Кимгадир қарам қилиш” ғояси ҳам авж олиб бораётган маънавий таҳдидлардан саналади. ““Кимгадир қарам қилиш” таҳдиди...Наҳотки, бу таҳдид дунёда анъанавий империялар қулаган ва мустамлакачилик тизими емирилганига ҳеч қанча вақт ўтмай яна бош кўтарса? Наҳотки, империализм сиёсати буткул йўқолмай, бор-йўғи ташқи қиёфасини ўзгартирган бўлса?” [7;505] Ҳақиқатан ҳам дунёни қайта бўлиб олишга уриниш сиёсатининг авж олиб бориши халқлар турмуш тарзининг ёмонлашувига ҳамда инсоният

маънавиятининг паймол бўлишига олиб келмоқда. АҚШнинг Югославия, Ливия, Ироқ, Сурия ва Афғонистонда олиб борган ҳарбий юришлари, Озарбайжон ва Арманистон ўртасидаги тоғли Қорабоғ ҳудуди учун олиб борилган ҳарбий юришлар ёки шу кунларда Россия Федерациясининг Украина давлати билан олиб бораётган шиддатли жанглари қанчадан-қанча бегуноҳ одамларнинг ўлимига, давлатларнинг иқтисодий инқирозига, сиёсий тузумининг бузилишига энг даҳшатлиси ёш болалар онгида кучли кўрқув ҳамда эртанги кунига нисбатан ишончсизлик ва ҳадик туйғуларининг пайдо бўлишига, тинчлик деб аталмиш буюк неъматнинг йўқолиб кетишига олиб келмоқда. Мана шу мудхиш жараёнлар инсоният тафаккур тарзининг бузилишига, миллатлараро тотувликнинг йўқолишига, диний бағрикенглик ва ижтимоий ҳамкорлик тамойилларининг паймол этилишига сабаб бўлмоқда. Биз, ўзбек миллатининг муносиб фарзанди сифатида халқимизнинг, миллатимизнинг маънавий савиясини, жамиятимизнинг манавий тараққиётини янада юксалтириш учун аввало миллий маънавий тараққиётга эришиш борасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини янада оширишимиз, аниқ мақсад ва қатъий режа асосида Ватанимиз ва миллатимиз равнақига ҳисса қўшадиган масъулиятли вазифаларни ҳар бир фуқаро сидқидилдан бажариши талаб этилади.

МУҲОКАМА ВА ТАКЛИФЛАР

Жамият маънавий тараққиётини таъминлаш ҳамда халқимизнинг маънавий салоҳиятини ошириш мақсадида мамлакатимизда бир қатор мутасадди ташкилотлар ўз фаолиятини амалга оширмоқдалар, хусусан, “Республика маънавият маркази”, “Оила илмий-амалий маркази”, “Маҳалла” жамғармаси ва бошқалар. Аммо бир нарсани унутмаслик керакки, маънавиятнинг дастлабки туғилиш, шаклланиш ҳамда ривожланиш даврлари бевосита оила, маҳалла ва дўстлар даврасида сайқал топади. Демак, маънавият она алласи, ота намунаси ва аجدодлар ўғити орқали инсон онги ва қалбига йиллар давомида сингиб боровчи ботиний тарбия омилларига таянади. Ўзбекистон Республикасининг президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида 2021 йил 19 январ куни ўтказилган “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш мавзусидаги видеоселектор”да шундай таъкидлаган эди: “Агар кимдир, маънавият масаласи – бу фақат Маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, хато қилади. Буларнинг барчаси олдимизда турган энг асосий, энг муҳим вазифалардан биридир.” [1;1] Шу боис

жамият маънавий тараққиётини таъминлаш ва уни сифат жиҳатдан яхшилаш борасида бир қанча тавсияларни таклиф сифатида киритишимиз мумкин:

1. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёшларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, уларни бегоналар қўлига топшириш, эртамик эгаларининг душман куралига айланишига сабаб бўлаётган ҳар қандай воқеа, ҳодиса ва жараёнларга барҳам бериш;

2. Ёшларнинг виртуал оламнинг асирга айланиб қолиши мумкин бўлган ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш ишларини амалга ошириш;

3. Дин ниқоби остида ғаразли мақсадларни амалга ошираётган турли гуруҳ ва секталарнинг ноқонуний ҳаракатларини фож этиш ва уларнинг фаолиятларига чек қўйиш;

4. Бугунги воқелик, атроф-муҳитда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга янгича қараш, теран мушоҳада юритиш, ҳар бир жараённи тўғри идрок этиш бўйича миллатимиз онгида ва қалбида мафкуравий иммунитет туйғуларини ривожлантириш;

5. Миллий маънавий меросимизнинг янги ҳали ўрганилмаган қирраларини кашф этиш;

6. Диний ва дунёвийлик мувозанатини тўғри бошқариш;

7. Ватанимиз тарихига ҳурмат ва эртанги кунига бўлган юксак ишонч туйғуларини янада кучайтириш;

8. Таълим-тарбия жараёнида қатъий қоидалар ва ахлоқ мезонларидан четга чиқмаслик;

9. “Оммавий маданият”нинг ҳар қандай кўринишларидан воз кечиш;

10. Илмий салоҳиятни оширишга эътиборни кучайтириш ва бошқалар.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, жамият маънавий тараққиётини таъминлашда ҳар бир мураббий, ҳар бир тарғиботчи, журналист, ота-она, маҳалла, таълим муассасаси ўзининг мустаҳкам мафкуравий имунитети, профессионал маҳорати ҳамда фуқаролик позицияси билан мазкур жараённи фаоллаштиришда таянч вазифасини ўтаб бериши мақсадга мувофиқдир. Зеро, жамиятнинг маънавийта, ахлоқий тарбияга бўлган муносабатини бутунлай ўзгартирмасдан туриб, соҳани тубдан такомиллаштириш мумкин эмас. Чунки жамият аъзоларининг маънавий баркамоллик даражаси истиқболдаги жараёнларнинг дебочасидир.

REFERENCES

1. Sputnik Ўзбекистон. Мирзиёев: Янги Ўзбекистонни барпо этиш устунларидан бири - кучли маънавиятдир. 20:11 19.01.2021
2. Adashova, M. M. (2022). ABU MANSUR MOTURIDIY FALSAFIY MEROSIDA SHAXS MA'NAVIYATINI YUKSALTIRISH MASALALARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 991-997.
3. Газета.uz. 19 январ 2021 22:08
4. Мирзиёев Ш. Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш мавзусидаги видеоселектор. 2021 йил 19 январь.
5. Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. Т.; “Шарқ”. 2000. – 82-бет.
6. Гаджиев К.С. Политическая философия. – М.”Экономика”, 1999.
7. Қ.Назаров, И.Эргашев ва бошқалар. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. – Т.; Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007.
8. Saifnazarov, I., Hujayev, M. (2018) Axmad Zaki Validiy islamic culture. *Экономика и социум*, 2, 55-57.
9. Safarov, M.K., Umarjonov, S.S. (2021). Abu Bakr ar-Roziy etikasida befoйда o‘y surish va ochko‘zlik muhokamasi. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(5), 1045-1049.
10. Umarjonov, S.S., Safarov, M.K. (2021). Fahriddin Roziyning “Latoif ul-g‘iyosiyot” qo‘lyozma asarida aql va e‘tiqod masalasining qo‘yilishi va uning diniy-falsafiy germenevtik tahlili. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(5), 1058-1068.
11. Saifnazarov, I., Muhtarov, A., Sultonov, T., Tolibov, A. (2020) Religious tolerance, unity of knowledge and faith issues highlighting in Imam Bukhari Hadiths. *International Journal of Advanced Science and Technology* 29 (5), pp. 1846-1853
12. Umarjonov, S.S. (2021). Ijtimoiy – gumanitar fanlarni o‘qitishda Fahriddin Roziyning ontologik qarashlarining o‘rni va ahamiyat. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(9), 1029-1038.

Электрон ахборот ресурслари:

13. <http://www.edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайти.
14. <http://www.Ziyo.net>
15. <http://www.kun.uz>